

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2024 йил октябрь ойининг 15 куни, жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, туман судининг раиси М.Рузиматовнинг раислигида, халқ маслаҳатчилари: А.Каримов ва А.Қаюмовдан иборат ҳайъатда, судья ёрдамчиси М.Тажибоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тўрақўрғон туман прокурорининг катта ёрдамчиси О.Мамаджонов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси-адвокат Б.Ғуломов, жабрланувчининг қонуний вакили Т.Эшонovanнинг иштирокида [REDACTED] оид 1-1607-2401/184-сонли жиноят иши кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED]

1974 йил 14 декабрь куни Тўрақўрғон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, икки нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, ҳеч қаерда ишламаган, муқаддам судланмаган, Тўрақўрғон тумани, “Исвахон” МФЙ, Истиқлол кўчаси, 44-уйда яшаган, мазкур суднинг 2024 йил 13 июндаги ажрими билан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 12 июнь куни соат 17.00да ушланган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 24 сентябрь куни судда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд ҳайъати, суд мажлисида судланувчи, жабрланувчи қонуний вакили, гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш бўйича тарафлар музокарасини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасига кўра, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

Конституциянинг 26-моддасига кўра, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир, ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас.

Судланувчи [REDACTED] 2024 йил 12 июнь куни соат 07:00ларда ўзининг яшаш хонадонида 2002 йилда туғилган қизи Усубжонова



Дилдора унаштирилган йигит унга ёқмагани, “Фарход” исмли йигит билан гаплашиб юрганини айтганидан ғазабланиб, уни ўлдириш мақсадида қизи ётган хонага кириб, қизини сўроқ қилиб, дастлаб миллий чит рўмол билан бўйин соҳасидан маҳкам қисиб, қизи хириллаб қолганини эшитиб, уни ўлмаганини билиб, сўнг қўллари билан бўғиб, қасддан ўлдириб, турмуш ўртоғи ишдан келиб қолса қизини ўлиб ётганини кўриб кўрқиб кетмаслигини ўйлаб, қизининг мурдасини уйининг ертуласига олиб тушиб қўйган.

Республика суд-тиббий экспертизаси илмий амалий маркази Тўрақўрғон туманлараро бўлинмаси экспертнинг 2024 йил 12 июндаги 32-сонли хулосасида 2002 йилда туғилган Д.Усубжонованинг жароҳатлари тириклигида бўйин аъзоларини сиртмоқ билан қисилиши, яъни странгуляцион асфикция ва буни тўғридан-тўғри асорати ҳисобланган ўпка, мия шиши – ўткир нафас юрак қон томир етишмовчилигидан келиб чиққан, буни тасдиқловчи белгилар бўлиб, ташқи текшириш вақтида бўйин соҳасида шилинма ва қонталаш типигаги странгуляцион эгат ҳамда тирналмалар мавжудлиги, юздаги петихиал маска ва қовоқ шиллиқ қавати остидаги нуқтасимон қон қўйилишлар, ички текшириш вақтида эса умум асфектик белгилар – қонни қорамтир ва суюк ҳолда бўлиши, ички органлар веноз тўлақонлиги, ички аъзолар хусусан ўпка ва юрак сероз пардалари остига қон қўйилиш (Тардье доғлари), ўпка ва мия шишини топилиш, бўйин соҳаси мушак ва юмшоқ тўқималарига кенг кўламли қон қўйилишларни топилиши, уни бўйин соҳасида аниқланган нотекис интенсивликдаги шилинма ва қонталаш типигаги странгуляцион эгати экспертизага тақдим этилган чит рўмол ёки шунга ўхшаш бошқа жисм таъсиридан, тирналмалар эса қаттиқ ўтмас жисм (эхтимол қўл бармоқлари) таъсиридан келиб чиққани, қизлик пардаси бутунлиги бузилмаган, бутун, бўйин соҳасидаги странгуляцион эгат ва тирналмалардан ташқари баданида, ташқи жинсий аъзолари, орқа чиқарув тешигида тан жароҳат топилмагани кўрсатилган.

Судланувчи [REDACTED] суд муҳокамасида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қизи Дилдора 2024 йил 25 май куни кўчадан келиб, иккинчи унаштирилган жойга ҳам тегмаслигини айтгани, қизидан нима учун тегмаслигини сўраганида ҳеч бир гап айтмагани, шунда турмуш ўртоғи Эшонова Тўтихон унга қизи Фарход исмли болани яхши кўриши, фақат унга тегишини маълум қилгани, шу билан қизига нисбатан ўша бола билан бирга бўлиб юрган деган шубҳа туғилгани, 2024 йил 12 июнь куни соат 06:50ларда турмуш ўртоғи ишга кетганидан сўнг, қизи Дилдорани хонасига кириб, олдига ўтириб, ундан тўғриси айтиши, Фарход унга теккан-тегмаганини сўраганида қизи тегмаганини айтиб ўрнидан тургани, қизидан яна қайта сўраганида унга қараб қиз бола эмаслигини айтгани, шунда калласи ишламай, ғалати ҳолатга тушиб қолгани, қизидан яна “Фарход бузганми” деб сўраганида қизи “Йўқ, у эмас” деб



жавоб бергани ва кимлигини айтмагани, шунда қизи қиз бола эмаслигини ўйлаб, жажли чиқиб қўлида бўлган чит рўмолни бўйнидан бир марта айлантриб, икки томонга тортишга тайёрлаб, қизидан яна бир бор кимлигини сўраганида қизи индамасдан туравергани, янада ғазабланиб бўйнига ўралган чит рўмолни икки томонга қаттиқ тортиб бўға бошлагани, 1-2 дақиқа ушлаб турганида қизи ерга йиқилгани, ўзига келиб қараганида қизи ерда хириллаб сўнг жим бўлиб қолгани, лекин қўли билан қизини бўғмагани, шундан кейин турмуш ўртоғи уйга келиб қолса, қизини кўриб кўрқиб кетмасин деган хаёлда, уни кўтариб уйининг ертўласига олиб тушиб, ерга ётқизиб қўйгани, кейин кўшниси Зафарни чақриб, унга бўлган ҳолатни айтганида, Зафар унга тўғри ИИБга боришини тушунтиргани, шундан кейин уни автомашинасида туман ИИБга ва у ердан туман прокуратурасига бориб, айбини бўйнига олиб келгани, ҳақиқатда қизини жуда яхши кўргани, доим кўнглига қараб келгани, қизини шу кунгача 3 марта унаштиришгани, қизи билан гаплашиб юрган Фарходни чақриб, ундан қизига нима қилганини сўраганида Фарход қизига тегмаганини айтиб, Қуръон китобини ушлаб қасам ҳам ичгани, шундан кейин қизига Фарходни турмуш қурганини тушунтриб, охирги куёвга турмушга чиқишини сўраганида қизи унга тегишга кўнмагани, ўғли эса ишлаш учун Россияга кетгани, ҳақиқатда қизининг тарбиясига қаттиқроқ тургани, лекин шу куни қизининг гапларидан қаттиқ ғазаблангани учун қандай қилиб қизини ўлдириб қўйганини билмагани, қизи экспертиза текширувидан кейин қиз бола эканини эшитиб, анча тинчлангани, лекин қизини ўлдириб қўйганидан қаттиқ пушаймонлиги ва афсусдалиги, ўзини кечира олмаслигини билдириб, суд ҳайъатидан ўзига нисбатан қонуний енгиллик сўради.

Жабрланувчи қонуний вакили Т.Эшонова суд муҳокамасида 2024 йилнинг март ойида маҳалладан совчилар чиқиб, қизи билан куёв бирга кўришиб, бир бирига маъқул келганидан кейин унаштирув қилишгани, қизи бошида куёв унга ёққани, тегишга рози эканини айтгани, лекин 2024 йил 25 май куни қизи ўртоқлари билан кўришиш учун кўчага чиқиб кетиб, кайфияти бироз бузилган ҳолда уйга қайтиб келгани, орадан 2-3 кун ўтганидан кейин уйга бўлажак куёв келиб, уларга қизи ишлатиб келган телефонни кириш чиқиш кўнғироқларини кўтаргани, унда Дилдора номаълум бир йигит билан гаплашиб келганини айтиб, тўйни тўхтатайлик деб кетгани, шундан кейин турмуш ўртоғи билан қизини ўртага олиб телефонда гаплашиб келган бола кимлиги, нима учун бундай қилганини сўраганларида қизи ҳеч нарса айтмагани, эртаси куни синглиси Жамилахон келганида унга ҳам бўлган ҳолатни айтиб, қизи билан яна бир бор гаплашишгани, лекин Дилдора ўша бола Фарход экани, у билан иш жойида бирга ишлаши, у билан ака сингилдек эканини айтгани, ўзи ҳам у бола билан кўришгани, Фарход оилали бўлиб, кейинчалик ажрашиб кетганини билгани, куёв бола қизини шу Фарход билан гаплашганини кўриб, қизғониб, уларни уйига



келгани, шу билан турмуш ўртоғи М.Эшановга тақдир экан, майли дегани, шунда турмуш ўртоғи “эртага тўй яна тўхтабди деб маҳаллада гап бўлса нима дейман” деб бироз жахли чиққани, у кишини тинчлантириб “буни уяти йўқ, иккаласи мурасиси келишмади деб қўйилаверади” деб айтгани, шу билан тўй тўхтатилиб, унаштирув бекор қилингани, буни эшитган ўғли Фарходжон ҳам Россиядан қайтиб келиб, нима бўлганини суриштириб, куёвни гумони нотўғри эканини билиб, турмуш ўртоғига у суриштиргани, ҳеч гап йўқлиги, у бўлмаса бошқаси, шунга синглисига ҳам онасига ҳам қаттиқ гапирмаслиги айтгани, эртаси куни ўғли яна Россияга қайтиб кетгани, ушбу гаплар бўлиб ўтганидан кейин турмуш ўртоғи “қизинг қизбола эмасмикан” деб шубхаланиб сўраб тургани, унга “қизимга ишонаман, бундай эмас” деб айтгани, бу гапни қизи ҳам эшитиб қолиб, отасига “дада бунчаликка бормайман, ишонмасангиз қасам ичаман” деб Қуръон китобини ушлаб қасам ҳам ичгани, шу билан гап сўзлар босилиб, жим бўлиб қолгани, 2024 йил 12 июнь куни соат 06:30ларда ишга кетгани, қизини хонасига кириб, туриб чой ичиб ишига кетишини айтгани, ишда кўнгли бир хавотирни сезгандек қўл оёғи бўшашиб кетгани, кейин жияни билан уйга келса, ҳовли ичида милиция ходимлари юришганини кўриб “Бу ерда нима бўляпти, нима бўлди ўзи” деб сўраганида синглиси Жамилахон турмуш ўртоғи қизи Дилдорага бироз қаттиқроқ текканини айтганида ўзини билмай қолгани, шу билан унга тез ёрдам чақириб анча вақт ўзига келишини кутишгани, ўзига келганидан кейин қизини сўраганида қизини турмуш ўртоғи бўғиб ўлдириб қўйганини айтишгани, ҳақиқатда турмуш ўртоғининг характери оғирроқ бўлиб, ҳар нарсага қизишиб жахли чиқиб, сўкиб ташлайдиган одати бўлгани, бошқа қизлар хомиладор бўлиб қолса, бузилиб кетса ҳам ота онаси кечириши мумкинлиги, лекин уни қизи хали қиз бола бўлиб, беш вақт намоз ўқиса, енгил табиатли қиз бўлмаса уни нима гуноҳи борлиги, шуларни билган отаси нима сабабдан ўз қизини ўлдириб қўйиши, ўғли учун турмуш ўртоғини кечириши, лекин турмуш ўртоғи қилмишига яраша жазо олиши кераклиги, шунга кўра унга нисбатан қонун доирасида жазо тайинлашни сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ З.Атабаева суд муҳокамасида ҳақиқатдан ҳам 2024 йил 12 июнь куни қизи Зулфия билан туман марказига бориб ишларини тамомлаб, соат 07:30ларда қайтишда жияни Дилдорани кўриб ўтмоқчи бўлиб, синглисини уйига боришгани, борган вақтларида эшик қулф бўлгани учун таққилатишгани, ичкаридан синглисининг турмуш ўртоғи Мирзанемат ким деб сўраганида унга қизи билан келгани, эшикни очишини сўрагани, бироздан кейин Мирзанемат эшикни очгани, қизи билан ичкарига кирмоқчи бўлганида уни иккала қўли билан елкасидан суриб, дарвозадан ташқарига чиқариб юборгани, шунда Мирзанемат синглисини уриб, бир нима қилган шекили деб ўйлаб “Укам қани” деб сўрагани, “Ишга кетган” деб айтгани, “Дилдора қани” деб сўраганида уни



ҳам “Ишга кетган” дегани, “Ўртоқлари шу ерда-ку, қани ўзи” деб сўрагани, шунда Мирзанемат кўчага чиқиб уйга кириш дарвозасини кулфлаб туриб “Дилдорни ўлдирдим” деб кетиб юборгани, кейин қизи билан уйга кетиб, кўнгли бўлмасдан шаҳарда яшовчи опаси Жамилахонни тез етиб келиши, Мирзанемат қизига бир нима қилганга ўхшайди деб чақиргани ва уйда уста борлиги учун қизини синглисини уйига жўнатгани, кейин опаси Жамилахон унга телефон қилиб, синглисини уйига келишгани, лекин эшик кулф бўлгани, шу пайтда ИИБ ходимлари келишиб эшикни очишгани, кейин улар билан бирга уйга кириб ер тўлага тушишганда Дилдорани ўлган ҳолда кўришгани, уни дадаси Мирзанемат бўғиб ўлдиргани, тез бу ерга етиб келишини айтганида дархол синглисининг уйда етиб борганини билдириб, кўрсатув берди.

Гувоҳ З.Солиев суд муҳокамасида 2024 йил 12 июнь куни соат 07:30ларда уйда ўтирган вақтида Мирзанемат ака чақириб, бир жойга бориб келишини айтгани, рози бўлиб бошқарувидаги “Нексия-3” русумли автомашинасида Оқтош маҳалласи томон ҳаракатланиб кетаётган вақтларида Қурама МФЙ ҳудудидаги сойга яқин жойда машинани тўхтатишини айтгани, сой бўйига тўхтаганидан кейин у кишидан нима бўлганини сўраса Мирзанемат ака “Одам ўлдирганга неча йил беради” деб сўрагани, ўзи аввал ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми билан судлангани ва ЖКнинг одам ўлдириш билан боғлиқ қисмларини бироз ўқиб билгани сабабли, у кишига “Ўлдириш ҳолатидан келиб чиқиб 10 йилдан 15 йилгача беради” деб жавоб бергани, бироз шубҳаланиб, Мирзанемат акани кайфияти йўқлигини кўриб, ундан яна нима бўлганини сўраганида Мирзанемат ака қизини бўғиб ўлдириб қўйгани, шунга ўзини ҳам ўлдирмоқчи эканлигини айтгани, бу гапни эшитиб, Мирзанемат акага бундай қилмаслиги, ИИБга бориб айтиши, шунда енгиллик бўлиши, ўзи ҳам қисқа вақт ичида озод бўлиб чиққанини тушунтиргани, яна қайта-қайта у кишига ўзларини ўлдиришлари ёки қочиб кетишлари яхши эмаслигини айтганидан кейин, ИИБга боришга рози бўлгани ва автомашинасида туман ИИБга олиб келиб, ичкарига киритиб юборгани, кейин ИИБдан чиқиб туман прокуратурасига келиб, сўнг Мирзанемат акани уйларига боришгани, уйларига кирган вақтида қизи Дилдорани ўлигини ер тўлага олиб тушиб, ерга ётқизиб қўйганини кўрганини баён қилиб, кўрсатув берди.

Судланувчи М.Эшановнинг жиноят содир этганликдаги айби, билдирги (ж.и. 11 в.), ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси (ж.и. 14-19 в.), воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, фотоиловалар (ж.и. 20-32 в.), экспертиза (тиббий, ашёвий) хулосалари (ж.и. 79-83, 112-117, 123-126 в.), ашёвий далил деб топиш қарори, шунингдек тушунтириш хатлари, гувоҳларнинг сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланади.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сонли “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 4-бандида қасддан одам ўлдириш жиноятини жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятдан фарқлаш учун айбдорнинг қасди нимага қаратилганлигини, унинг ўз ҳаракатлари оқибати, яъни жабрланувчининг ўлимига нисбатан субъектив муносабатини инобатга олиш даркор;

қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганда айбдор шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш ниятида ҳаракат қилади, баданга оғир шикаст етказиш шахснинг ўлимига сабаб бўлган ҳолларда эса, ўлимга нисбатан унинг айби эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади;

айбдорнинг қасди нимага қаратилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишнинг барча ҳолатлари мажмуидан келиб чиқилиши, хусусан, жиноятни содир этиш усули ва қуроли, тан жароҳатлари сони, хусусияти ва ўрни (масалан, одам ҳаёти учун муҳим аъзоларнинг жароҳатланганлиги), жинойий ҳаракатлар тўхташи сабаблари, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзаро муносабатлари, айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракатлари хусусияти эътиборга олиниши лозим;

5-бандига кўра, агар қилмишда Жиноят кодекси 97-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган квалификация белгилари, шунингдек, мазкур Кодекснинг 98–101-моддаларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, масалан, қотиллик безорилик туйғулари билан эмас, балки ўзаро жанжал ёки уришиш натижасида, рашк туфайли, ўч олиш, ҳасад, адоват, нафрат оқибатида содир этилган бўлса, қасддан одам ўлдириш жинояти ЖК 97-моддасининг биринчи қисми бўйича квалификация қилинади.

Судланувчи М.Эшановнинг жинойий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Чунки, [REDACTED] қизи Усубжонова Дилдора унаштирилган йигит унга ёқмагани, “Фарход” исмли йигит билан гаплашиб юрганини айтганидан ғазабланиб, уни ўлдириш мақсадида қизи ётган хонага кириб, қизини сўроқ қилиб, дастлаб миллий чит рўмол билан бўйин соҳасидан маҳкам қисиб, қизи хириллаб қолганини эшитиб, уни ўлмаганини билиб, сўнг қўллари билан бўғиб, қасддан ўлдирган.

Гарчанд М.Эшанов судда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, “... қўлида бўлган чит рўмолни бўйнидан бир марта айлангириб, икки томонга тортишга тайёрлаб, ... чит рўмолни икки томонга қаттиқ тортиб бўға бошлагани, 1-2 дақиқа ушлаб турганида қизи ерга йиқилгани, ўзига келиб қараганида қизи ерда хириллаб сўнг жим бўлиб қолгани, лекин қўли билан бўғмаганини ... баён қилиб, кўрсатув берса-да, унинг важлари терговда берган “... бўйнига ўралган чит рўмолни икки томонга қаттиқ



тортиб бўға бошладим, шу тариқа 1-2 дақиқа ушлаб турганимда қизим ерга йиқилди, ўзимга келиб қараганимда қизим ерда ётганича хириллаган овоз чиқарди, шунда мен қизимни тирик экан деган хаёлда яна чап қўлим билан бўйин соҳасини бўғиб, ўнг қўлим билан устидан босиб, 1-2 дақиқа жони чиққунича ушлаб турдим, уни жони узилганини билганимдан кейин қўлимни бўйин соҳасидан олдим ...” деб, берган кўрсатуви билан рад қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши ҳақида, 3-бандида Жиноят кодексиинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд ҳайъати судланувчи [REDACTED] жазо тури ва миқдорини тайинлашда, айбига тўлиқ иқрорлиги, муқаддам судланмаганлиги, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини ЖК 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни паст ниятларда содир этганини ЖК 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, жабрланувчи қонуний вакилининг қонун доирасида чора кўришни сўраб ёзган аризасини, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, бироқ жабрланувчи қонуний вакилининг даъвоси бор-йўқлигидан қатъий назар, вазиятни тўлиқ ўрганмасдан фарзандини қиз бола эмаслигига барвақт шубҳа қилиб, уни хаётдан маҳрум қилгани учун унга нисбатан ЖК 57-моддасини қўллашга асос йўқ деб ҳисоблаб, Қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖК 50-моддаси еттинчи қисмининг “б” бандига кўра жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли Қарорининг 9-бандида мулкий зиён етказилган ҳар бир жиноят иши бўйича ҳукм чиқарилаётганда, суд фуқаровий даъвони ҳал этиши, даъво қўзғатилмаган бўлса, мулкий зиённи қоплаш масаласини ўз ташаббуси билан муҳокама қилиши лозимлиги, бунда иш материалларида хатланган мол-мулкнинг йўқлиги мулкий зиённи қоплаш тўғрисидаги масалани кўрмасдан қолдириш учун асос бўла олмаслиги, чунки бундай мол-мулк ҳукм ижроси жараёнида ҳам аниқланиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни



қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 5-бандида етказилган маънавий ва жисмоний азоблар учун зарар ундириш имконияти қонун ҳужжатида тўғридан-тўғри кўрсатилмаганлиги ҳамма вақт ҳам жабрланувчи маънавий зарар ундиришга ҳуқуқи йўқ деган хулосани билдирмаслиги ҳақида, 13-бандида маънавий зарарнинг миқдорини белгилашда судлар жабрланувчининг унга етказилган маънавий зарарнинг оғирлигига берган субъектив баҳосини, шунингдек, ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги ва оқибати (яқин қариндошларининг ўлдирилиши, ногиронликка олиб келган тан жароҳати етказилиши, жабрланувчининг яшаш шароитлари, шахсий хусусиятлари (хизмати, оилавий, маиший, моддий томонлари, соғлиғининг ҳолати, ёши ва бошқалар) ҳисобга олиши лозимлиги, бундан келиб чиқиб, маънавий зарарни қоплаш миқдорини етказилган мулкӣ ва бошқа моддий зарарни ундириш даъво талабининг қопланиш ҳажмига қараб белгилаш мумкин эмаслиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд ҳайъати, етказилган зарарни ва ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона “DVD” диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақланаётганлигини инобатга олишни;

ашёвий далил деб эътироф этилган жиноят ишига илова қилинган воқеа содир бўлган вақтда М.Эшановнинг оқ кўйлаги, джинси шими, чарм тасмаси, бир жуфт эркаклар шиппаги, жабрланувчи (мархума) Д.Усубжоновани эғнида бўлган қора рангли кўйлаги, иштони, қизил бюстгалтери, қизил трусиги, чит рўмолини тегишли тартибда йўқ қилишни;

жабрланувчи қонуний вакилига келгусида мазкур жиноят иши доирасида келиб чиққан моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида асослантирувчи ҳужжатлари билан фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида даъво қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473 – моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати

Ҳ У К М Қ И Л А Д И

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 97-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

М.Эшановга Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддасининг 1-қисми билан 10 (ўн) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 12 июнь кунидан бошлаб ҳисобланиб, умумий тартибли колонияларида ўтаттирилсин.

М.Эшановга нисбатан танланган эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдирилсин.



Жабрланувчи Т.Эшонвани судланувчи [REDACTED] нисбатан қонун доирасида чора кўришни сўраб ёзган аризаси инобатга олинсин.

Ашөвий далил деб эътироф этилган бир дона “DVD” диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақланаётгани инобатга олинсин.

Ашөвий далил деб эътироф этилган жиноят ишига илова қилинган воқеа содир бўлган вақтда М.Эшановнинг оқ кўйлаги, джинси шими, чарм тасмаси, бир жуфт эркаклар шиппаги, жабрланувчи (мархума) Д.Усубжоновани эгнида бўлган қора рангли кўйлаги, иштони, қизил бюстгалтери, қизил трусиги, чит рўмол тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Жабрланувчи қонуний вакилига келгусида мазкур жиноят иши доирасида келиб чиққан моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида асослантирувчи ҳужжатлари билан фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида даъво қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида шу суд орқали Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, қайд этилган муддат ўтганидан сўнг кассация тартибида шикоят бериш ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:	(имзо)	М.Рузиматов
Халқ маслаҳатчилари: 1.	(имзо)	А.Каримов
2.	(имзо)	А.Қаюмов

“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”

Жиноят ишлари бўйича
Тўрақўрғон туман судининг раиси

М.Рузиматов

